



XALQ DEPUTATLARI SURXONDARYO VILOYATI KENGASHINING QARORI

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel: (76) 224-12-30, (76) 224-03-94), (76) 221-74-81)

2021 йил «8» июль

VI-30-31-8-0-K/21

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги

Вилоятдаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишни “Е-қарор” электрон тизими орқали самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг ягона электрон тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 14 апрелдаги 218-сон қарори ижросини таъминлаш масаласи тўғрисида вилоят ҳокимлиги юридик хизмат бошлиғи С.Аллаёровнинг хисоботи Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссиясида кўриб чиқилганлигини инобатга олиб, халқ депутатлари Сурхондарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги юридик хизмат бошлиғи С.Аллаёровнинг вилоятдаги маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари қарорларини ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишни “Е-қарор” электрон тизими орқали амалга оширишнинг афзалликлари ҳамда амалиётда учраётган муаммолар тўғрисидаги маърузаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ–6155-сон Фармонига асосан Сурхондарё вилоятида 2021 йил 1 майдан маҳаллий ижро этувчи ҳамда вакиллик органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларни ишлаб чиқиш, келишиш ва рўйхатдан ўтказишнинг “Е-қарор” электрон тизими жорий этилганлиги эътироф этилсин.

3. Сурхондарё вилояти Адлия бошқармаси (С.Саттаров), Сурхондарё вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси (Ж.Менглиев)га:

вилоятдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига “E-qaror” электрон тизимини йўлга қўйиш бўйича тушунтиришлар бериб бориш;

ижрочи ташкилотлар ходимларидан иборат “Телеграм” ижтимоий тармоғида ташкил этилган гуруҳга келиб тушган саволларга тушунтиришлар бериб бориш;

“E-qaror” электрон тизимини самарали фаолият кўрсатиши бўйича зарур чораларни кўриб бориш вазифалари юклатилсин ва амалга оширилган ишлар бўйича халқ депутатлари вилоят Кенгашига ёзма ахборот киритиб борсин.

4. Туман (шаҳар) ҳокимликлари:

қарор ва фармойишларни қоғоз шаклида қабул қилишни;

туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларининг қарор ва фармойишларини рўйхатдан ўтказишни реестр китоб шаклида юритишни қатъий тўхтатсин;

туман (шаҳар) ҳокимликлари ва халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашлари томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг фақат “E-qaror” электрон тизими орқали расмийлаштирилишини таъминласин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2021 йил 1 август ҳолатига ёзма ахборот киритсин.

5. Вилоятдаги давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

қарор ва фармойишлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда қилишиш жараёнлари “E-qaror” электрон тизими орқали тўлиқ амалга оширилиши бўйича ташкилий ва техник чора-тадбирларни амалга оширсин;

“E-qaror” электрон тизими орқали ишлаш юзасидан масъул ходим бириктирилишини таъминласин ва халқ депутатлари вилоят Кенгашига 2021 йил 1 август ҳолатига ёзма ахборот киритсин.

6. Вилоят ҳокимлиги Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов) ҳамда вилоят ҳокимлиги бош ҳисобчиси (И.Тангиркулов) “E-qaror” электрон тизимини тегишли вилоят, туман (шаҳар) ҳокимлигида жорий этиш юзасидан қонунда белгиланган тартибда тузилган шартномалар бўйича маҳаллий бюджет ҳисобидан зарур маблағ ажратилишини ҳамда тўловлар ўз вақтида ва қонунда белгиланган тартибда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссия раиси (А.Эшмуродов) зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарор қабул қилинган кундан кучга кириди.

Кенгаш раиси



Bobolov T.A.